

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

**МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЯТ, ДИН:
ҲАМКОРЛИК ЧЕГАРАЛАРИ**

БУДДАВИЙЛИК

ТОШКЕНТ-2003

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

**МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЯТ, ДИН:
ҲАМКОРЛИК ЧЕГАРАЛАРИ
*БУДДАВИЙЛИК***

Методик-библиографик қўлланма

**КУЛЬТУРА, НРАВСТВЕННОСТЬ, РЕЛИГИЯ:
ГРАНИ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ
*БУДДИЗМ***

Методико-библиографическое пособие

ТОШКЕНТ-2003

ББК 78.342

М14

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчилар: М.Матмурадова

Г.Берман

Бош муҳаррир: И.Маминова

Муҳаррирлар: Х.Маматраимова

Т.Егорова

Компьютерда терувчи: З.Джалилова

М.Пальнова

М14 Маданият, маънавият, дин: ҳамкорлик чегаралари.
Буддавийлик = Культура, нравственность, религия: грани
взаимодействия. Буддизм: Методик-библиографик қўллан-
ма /Тузувчилар: М.Матмурадова, Г.Берман; Бош муҳар-
рир: И.Маминова.-Т., 2003.- 32 б.

Сарлавҳада: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси.

Тит. в., текст ўзб. ва рус тилларида.

Дунё динлари ичида энг қадимий дин ҳисобланган

Буддавийлик динига бағишланган ушбу услубий-библиографик
қўлланма кутубхона ходимларига бу дин тўғрисидаги
маълумотларни етказиш, тарғиб қилишда ёрдам бериш мақсадида
тайёрланди. Унда Буддавийлик дини тарихи, унинг муқаддас китоби
таълимоти, маросим ва байрамлари ҳақида қизиқарли маълумотлар
хамда айрим тadbирларни ўтказиш учун услубий йўллари берилди.

ББК 78.342+86.35

№ 161-2003

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

Миллий кутубхонаси

Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Уни оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган.

И.Каримов

Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағри кенглик каби кўпдан-кўп муҳим масалалардан иборат.

XX аср охири халқимиз учун миллий уйғониш, миллий ғурур, миллий туйғунинг тикланиш даври бўлиб қолди. Мустақиллигимизнинг маънавият соҳасидаги яна бир неъматидан шундан иборат бўлдики, жамиятимиз, давлатимизнинг динга бўлган муносабати ўзгарди. Зеро дин кишиларнинг онгига ўз таъсирини ўтказиш билан бир қаторда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаб келган. Ҳозирги даврда ҳам у катта ижтимоий-сиёсий мавқега эга.

Дунё халқлари азалдан ҳар хил динга сиғиниб келган. Буддизм, христианлик, ислом каби динларни ўз ичига олган. Жаҳон динларидан буддавийлар – 2,5 миллиард кишини атрофида бирлаштирган, христианлар – 2 миллиардга яқин, мусулмонлар – 1 миллиарддан ошқани ташкил этади.

Динларнинг ўзаро муносабатлари ҳамкорлик, ҳамдўстлик ва тенгҳуқуқлилиқ асосида амалга оширилади. Бундай муносабатларнинг сабабларидан бири ҳозирги вақтда дунёда умуминсоний манфаатлар ва кадриятларнинг мамлакат, халқ ва синфлар манфаатлари ҳамда кадриятларидан устун туришидadir.

Мустақил Ўзбекистонда барча динларга тўла эркинлик берилган.

Ҳозир узокни кўра биладиган давлат арбоблари, турли сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг раҳбарларини дин ва диндорлар билан ҳамжиҳат бўлиб иш юритиши бежиз эмас. Жамиятнинг моддий ва маънавий ривожланишида дин, диний таълимот тарбия воситаси бўлиб келган, диний маънавий кадриятлар ижобий таъсир кўрсатган. Шунини таъкидлаш мумкинки, дин сиёсат эмас, балки маънавий ҳаётнинг таркибий қисмидир. Диний маданият ахлоқ-одоб қоидалари замирида шаклланиб боради. Дин тарихий зарурат сифатида пайдо бўлган, унинг қоидалари, тартиблари, талаблари кишилар маънавий ҳаётига сингиб кетган.

Маълумки, олам ва одам кўхна андоза, бирини бири ё раб, ё рад этиб бирига бири ё ёр, ё ёв бўлиб яшовчи андоза. Улар баҳсида рамздан кўра ражо кўп, баҳсгоҳ эса – инсон ҳаёти, инсон руҳи. Мана шу азалий баҳсдан бирини бири тўлдирувчи икки соҳа - тамаддун ва маънавият яралган. Бу баҳснинг муаллифи ҳам муҳолифи ҳам одам.

Тамаддуннинг мақсади - фароғатли, фаровон олам яратиш; маънавиятнинг мақсади – комил, руҳи соғлом одам яратиш. Тамаддун

курумсок, ақлга, ниятга толпинади; маънавият бепоён, бой руҳиятга талпинади. Тамаддун учун абадий нарса йўқ. Унинг қонуни инкор ва яна инкор; маънавият учун Яратган, Руҳ абадий, унинг қонуни эътиқод ва яна эътиқод.

Тарихий бурилиш даврларида тамаддун ва маънавият, олам ва одам баҳси авж олиб, янги фикр оқимлари, мактаблари вужудга келади. Тафаккур тарихидан аён бўладики, ана шундай оқим ва мактаблар энг аввало Шарқда шаклланган. Улардан бири буддавийликдир.

Президент И.Каримов айтганларидек, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айна шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Бухородаги Мир араб мадрасаси, Тошкентдаги Ислом университети, 14 мадраса, 400 га яқин диний мусулмон ўқув муассасалари, бошқа динларга тегишли 19 ўқув юрти ишлаб турибди.

Динни миллий мафкураси, унинг таркибий қисми тобора интеграциялашиб бормоқда. Ҳозирги ислом ва бошқа динларга халқни жипслаштиришда муҳим ўрин ажратилмоқда.

Республикамизда буддавийлик динига бағишланган бир қатор рисоалар рус ва ўзбек тилларида кутубхона жамғармаларидан ўрин олган.

Шунингдек, буддавийлик дини ҳақида мақолалар чоп этилган. Мавжуд рисола ва мақолалар кутубхона каталог ва картотекаларида акс эттирилган.

Кутубхоналарнинг вазифаси буддавийлик динига оид шу асарларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш, маданият, маънавиятни юксалтириш ва ҳамкорликни китобхонлар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар тарғиботнинг илмий-амалий конференция, китобхонлар конференциялари, учрашув ва савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, китоб кўргазмалари сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини китобхонларга тушунарли шаклда етказиб бера оладиган диний арбоблар, тарихчилар, файласуфлар, сиёсатшунослар, диншунослар, жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, конфессиянинг диний бирлашмалари, миллий-маданий марказлар, «Маҳалла», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамғармалар билан амалий ҳамкорлик ўрганиш тавсия қилинади.

Ушбу қўлланманинг мақсади Дунё динлари, жумладан, буддавийлик дини тўғрисидаги маълумотларни китобхонларга етказиш тарғиб ва тарғибот қилишда кутубхона ходимларига ёрдам беришдир.

Буддавийликда жаҳолат асоратини
эмас, камолот фароғатини кўраман.

Луис Борхес

Буддавийлик дини тарихига бир назар

Буддавийлик - учта дунё динлари ичида энг қадимийси ҳисобланиб, дунёда биринчи пайдо бўлган жаҳон динидир.

Буддавийлик милоддан аввалги 1 минг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда пайдо бўлган. Бу дин тарафдорлари унинг пайдо бўлишини Шакъя Муни – Будда тарғиботининг натижаси деб ҳисоблайдилар. Аслида унинг пайдо бўлиши ҳинд жамиятида рўй берган муҳим ўзгаришлар-уруғ-қабилачилик алоқа ва тартибларининг емирилиши, синфий зулмнинг кучайиши ҳамда йирик қулдорлик давлатининг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Буддавийлик Ҳиндистонда қулдорлик муносабатлари ривожланаётган даврда қулдорлик мафкураси сифатида вужудга келган. Чунки олдинги дин – браҳманлик йирик қулдорлик давлатининг ташкил топиши, синфий зулмнинг кучайиши талабларига жавоб бермай қўйган эди. Буддавийлик браҳманликнинг табақаланиши ҳақидаги таълимотига қарши ўлароқ, кишиларнинг тенглиги масаласини ўртага ташлаган бўлса-да, у қулдорлик жамиятининг асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Жумладан, буддавийликнинг «ёмонликка қарши бош кўтармаслик» тўғрисидаги ғояси қулларнинг қулдорларга қарши бош кўтармасликларига хизмат қилган. Шунинг учун ҳам ҳукмрон синфлар буддавийликнинг шу ғоясини кенг тарғиб этганлар. Шунинг учун ҳам милоддан аввалги III асрда, Маурия сулоласи ҳукмдорларидан бири – подшо Ашока даврида буддавийлик давлат дини деб эълон қилинган.

Подшо Ашока ҳукмронлиги (мил.ав.269-232 йиллар) даврида Ҳиндистонда давлат динига айланган буддавийлик кейинчалик жаҳоннинг бошқа давлатларига ҳам тарқала бошлаган. Хусусан, Кушонлар ҳукмронлиги даврида бу дин бизнинг ўлкамизга ҳам кириб келган. Яъни буддавийликнинг Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда тарқалиши милоддан аввалги II асрларда бу ерлардаги қабилаларнинг авлодлари томонидан тугатилган грек-бактрия подшоҳлигининг ўрнида қарор топган Кушон империясининг ривожланган даврига тўғри келади.

Кушон империяси ўзининг энг гуллаган даврида (милоднинг I-III асрида) ҳозирги Марказий Осиёнинг бир қисмини, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон, эҳтимол Уйғуристонни ҳам ўз ичига олган. Кушон подшолиги даврида буддавийлик Ҳиндистондан Марказий Осиёга, ундан эса Буюк ипак йўли орқали Хитой ва Узоқ Шарққа тарқалган. Кейинги ўн йилликлар мобайнида олиб борилган археологик изланишларнинг натижалари ва тарихий маълумотларни умумлаштирган ҳолда тахмин қилиш мумкинки, исломгача бўлган даврда буддавийлик Марказий Осиёда ғоявий

турмушнинг муҳим таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Буддавийлик фақатгина махсус ибодатхоналаргагина эмас, подшо саройларидан бошлаб, оддий камбағал деҳқон ва хунармандларнинг кулбасига кириб борган диндир. Буддавийликни қабул қилган Марказий Осиё халқлари диний ибодатлар учун ҳар хил махсус иншоотлар қурдилар.

Буддавийлик билан боғлиқ обидалар, ибодатхоналар, хайкаллар, деворларга солинган расмлар Марказий Осиёда топилган қадимги тарихий обидалар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Буддавийлик билан боғлиқ иморатлар, қурилишлар ҳозирда ҳам Шимолий Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг жанубий туманларида, Тожикистонда ва Қозоғистон жанубида маълумдир. Булар орасида энг йирик иншоот эски Термиздаги Қоратепа номли ғор ибодатхонасидир. Бу очик сарик рангли катта тепалик бўлиб, унга қумтошли ғор бинолар ўйиб солинган ва ер устида бинолар барпо этилган, буларнинг ҳаммаси бир бутун уйғун бўлган будданинг 20-25 ибодатхоналарини ташкил қилиб, Кушон подшоҳлигида буддавийликнинг муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Буддавийлик 900 йил давомида Ҳиндистонда равақ топди ва гуллаб-яшнади (мил.ав. 250 йилдан милоднинг 650 йилигача), 650 йилдан бошлаб унинг бу ерда нуфузи пасая борди. Буддавийлик XII аср охири XIII аср бошларида Ҳиндистондан сиқиб чиқарилди. Бунга Ҳиндистоннинг шимолида мусулмон сулолалари ҳукмронлигининг ўрнатилиши, Ҳиндистоннинг бошқа қисмларида ҳиндуийлик динининг тўла қарор топганлиги сабаб бўлади. Аммо, буддавийлик йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, у икки оқимга бўлинган ҳолда яшашда давом этди. Бу икки оқимнинг бири Хинаяна (нажот топишнинг тор йўли), иккинчиси эса Махаяна (нажот топишнинг кенг йўли) деб аталади.

Хинаяна буддавийликнинг ўзгаришсиз илк таълимотига амал қилишни ёқлаб чиқади. Махаяна оқими эса буддавийликнинг замон руҳига мослаштирилган кўринишидир.

Хинаяна тарафдорлари ҳаёт азоб-укубатларида монахлик жамоасига аъзо бўлганлар халос бўла олади, деб ҳисоблайдилар.

Махаяна тарафдорлари эса Сиддхартха ўғитларига амал қилувчи, худога илтижо қилувчи, монахларга моддий ёрдам берувчи, дунёвий ишлар билан шуғулланувчи ҳар бир киши ҳам нажот топиши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Буддавийлик даставвал худосиз дин эди. Махаяна тарафдорлари худосиз диннинг одамларга тушунарсиз бўлишини ҳисобга олганлар. Шунинг учун ҳам улар Сиддхартхани худо, деб эълон қилганлар. Шу тариқа унга сиғиниш қарор топган. Айти пайтда улар буддавийликка жаннат тўғрисидаги таълимотни қўшганлар. Бу омил буддавийликнинг жаҳон бўйлаб янада кенгроқ тарқалишига йўл очган. У Осиёнинг бошқа давлатларида, Россиянинг Бурятия, Қолмиқ ва Тува Республикаларида кенг қарор топа борди.

Буддавийлик XIX-XX асрларда Америка ва Европа давлатларида ҳам ўз жамоаларини вужудга келтира олади. Ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг

2,5 миллиардан ортиғи шу динга эътиқод қилади. Осиёнинг Шри Ланка, Бирма, Таиланд, Лаос, Мўғулистон, Камбоджа, Вьетнам, Бутан, Непал, Япония ва Корея давлатларида асосий дин ҳисобланади.

1950 йилда Шри-Ланка давлатида буддавийларнинг «Жаҳон буддавийлари биродарлиги» ташкилоти тузилди. 1956 йилда эса дунё буддавийлари ўз динларининг 2500 йиллигини нишонладилар.

Сиддхартха Гаутама буддавийликнинг муқаддас китоби

Сиддхартха (топширикни бажарувчи) Гаутама милоддан аввалги 563 йилда Ҳиндистоннинг шимолий-шарқий қисмида (ҳозирги Непалнинг жанубида) подшо хонадонида таваллуд топган. Унинг отаси Сиддходан Ҳиндистоннинг шимолий-шарқий қисмида сакийлар сулоласи асос солган Капи Лаваста подшолигининг ҳукмдори бўлган.

Манбаларда Сиддходан қонун подшоси, қонун билан бошқарувчи ҳукмдор, деб қайд этилган.

Сиддхартханинг онаси Майя исмли аёл бўлиб, у Сиддхартха туғилгач 7 кундан сўнг вафот этган.

Диний ривоятларга кўра, унинг онаси туғишдан аввал тушида ёнига оқ филнинг кириб ётганини кўради. Унинг туғиши ҳам бошқа аёллардек бўлмаган. У қўлтиғидан (биқинидан) тукқан. Бола туғилганда ерлар кимирлаб, чакмоқлар чақиб, момақалди роқ гумбурлаб турган. Унинг овозини коинотдаги ҳамма худолар эшитган. Улар борлиқдаги укубатларнинг олдини оладиган одам келди, деб хурсанд бўлганлар.

Сиддхартха 7 кундан кейин юриб кетган ва гапира бошлаган.

Сиддхартханинг отаси ўғлининг диний руҳда тарбия топишини истамади. У ҳаётнинг салбий томонларини ўғлидан яшириб, ўғлига дабдабали ҳаётни яратиб берди. Сиддхартхага дунёвий тарбия берди, бир гўзалга уйлантириб қўйди. Кўп ўтмай Сиддхартха ўғиллик бўлади. У 22 ёшигача ана шундай шоҳона ҳаёт кечирган.

Бир куни Сиддхартха шаҳар бўйлаб сайр қилиб юрганда, қари бир чолни кўради. Унинг бутун танасига яра ташган эди, тагин бир касал ётган одамни, яна бир кишининг ўлимини кўради. Шу тариқа Сиддхартха жонли мавжудотларнинг муқаррар азоб чекишини билди. Шу тариқа Сиддхартха ҳаётнинг моҳияти, мазмуни, машаққатлари, турли касалликлар ва ўлим ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди.

Ҳаётнинг беҳудалигини англаган Сиддхартха бир куни кечаси ҳеч кимга билдирмай саройни тарк этади, ҳамда таркидунёчиликда ҳаёт кечиради ва бундай ҳаёти давомида одамларни азоб-укубатлардан қутқариш йўллариини излай бошлайди.

У етти йил давомида азоб-укубат билан тер тўкиб, кохин брахманларнинг муқаддас китобларини ўқийди. Очликни бас қилиб ва ёлғон доноликдан воз кечиб, узоқ мушоҳадалардан кейин қутқаришга йўл очади. Кунларнинг бирида унинг қаршисида ҳаёт ҳақиқати очилади. У бу

«ҳақиқатни» Ҳиндистоннинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб тарғиб қила бошлайди. Сиддхартҳа ўз таълимотининг асосий қоидаларини Банорасдаги тарғиботида «тўрт олий ҳақиқат» шаклида баён этган. Унинг шогирдлари Ер юзида биринчи монахлик жамоасини ташкил этганлар, Сиддхартҳа 80 ёшида вафот этган. Шогирдлари қадимги ҳинд анъаналарига кўра, унинг жасадини ўтда куйдирганлар. Буддавийлик динининг муқаддас китоби –«Трипитака» (Уч сават донолик) деб аталади. Ривоятларга кўра, Сиддхартҳа уч сават таълимот қолдирган. Булар:

- Винопитака (ахлоқий нормалар);
- Суттапитака (дуолар);
- Абхидхаммапитака (диний-фалсафий масалалар баёни)дир.

Буддавийликнинг бу ёзма манбаси ҳозирги даврда Шри-Ланкада сақланиб қолган. Кейинчалик шаклланган санскрит, хитой, тибет, кхмер ва япон тилларидаги буддавийликка оид адабиётлар анча кенг тарқалган, аммо уларнинг тарихий қиймати камроқ. Будда ҳаётига тегишли ривоятларнинг барчаси Трипитакада жамланган.

Буддавийлик таълимоти

Буддавийлик қадимий Ҳинд диний-фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, амалиёт ва назариётдан иборат диний тизимдир. Унинг асоси «Ҳаёт – бу азоб уқубатдир» ва «Нажот йўли мавжуд» деган ғоядир. Буддавийлик қонуниятларига кўра инсон ўзига мослашган мавжудот бўлиб, ўзидан туғилади, ўзини ўзи ҳалок қилади ёки кутқаради.

Буддавийлик таълимоти (бу таълимот – «Дхарма» деб аталади) нинг асосини Будда яратган қуйидаги «тўрт олий ҳақиқат» ташкил этади.

1. Азоб-уқубатнинг мавжудлиги ҳақидаги таълимот. Бу таълимотга кўра, дунёдаги ҳар бир нарса, шу жумладан, туғилмоқ, яшамоқ, касаллик, ўлим ва бошқалар азоб-уқубатдир.

2. Азоб-уқубатларнинг сабаблари мавжудлиги ҳақидаги таълимот. Бу таълимотга кўра азоб-уқубатларнинг сабаби – кишиларнинг истак-хоҳишлари, яшашга ва бахтга интилишлари, ҳаётга ташналикларидир. Бу ҳақда Будда бундай деганлиги манбаларда қайд этилган: «Ташналиқдан меҳрибонлик келиб чиқади, меҳрибонликдан борлиқ юзага келади, борлиқдан туғилиш юзага келади, туғилишдан эса қарилик ва ўлим, бахтсизлик, ғам-ғусса, азоб-уқубат, хўрлик, умидсизлик пайдо бўлади. Ҳамма азоб-уқубатлар йиғиндисининг келиб чиқиши шундайдир».

3. Азоб-уқубатларнинг бартараф бўлиши ҳақидаги таълимот. Ҳар қандай ҳаёт, – деб таълим беради Будда, - барча мавжудотга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби – инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга - қайта туғилиш дунёсига боғланганлиги, кўнгил қўйганлигидир. Ҳар қандай инсоний туйғу, хиссиёт, эҳтирос, истак, азоб-уқубатни чуқурлаштиради, яна даҳшатлироқ тарзда қайта туғилишга олиб келади. Бундан қутулмоқ учун ҳаётга чанқоқликдан, турмуш

қўнгилхушлиқларидан, лаззатларидан, ҳокимиятга, бойликка интилишлардан батамом воз кечиш лозим. Айни пайтда ердаги ҳаёт ҳодисаларининг барчаси беқарор ва ўткинчи эканлигини фаҳмламоқ ҳам лозим.

4. Азоб-уқубатлардан қутулиш – нажот йўли борлиги ҳақидаги таълимот. Бу таълимот мазмунини нажотнинг қуйидаги 8 олижаноб йўли ташкил этади:

- тўғри маслак, тўғри нуқтаи назар. Бу – донолик бўлиб, одамларга ҳаётнинг 4 олий ҳақиқатини тушуниб олишга ёрдам беради;

- тўғри ният. Бу – барча тирик мавжудотга дўстона муносабатда бўлишни, азоб-уқубат тортаётганларга ҳамдард бўлишни, бошқаларнинг муваффақиятига беғараз муносабатда бўлишни, шунингдек, ҳар қандай шароитда ҳам руҳан вазмин бўлишни англатар эди;

- тўғри юриш-туриш. Бу – ўғирлик қилмаслик, тирик мавжудотни, шу жумладан, одам ўлдирмасликни, ноқонуний никоҳда бўлмасликни, маст қилувчи ичимлик ичмасликни ҳамда ёлғон гапирмасликни англатган;

- тўғри сўз. Бу – ёлғон гапиришдан, тухмат-бўхтонлардан, фикс-фасод суҳбатлардан ва миш-мишлардан тийилишни англатган;

- яшашнинг тўғри даромад манбаига эга бўлиш. Бу – қурол, маст қилувчи ичимликлар сотишдан, шунингдек, ҳайвонларни ўлдиришдан, фоҳишаликдан тийилишни англатган;

- тўғри хатти-ҳаракат. Бу – ўз онгини инсон учун зарар келтирувчи ўй-фикрлардан ҳоли қилиш ва фойда келтирувчи ўй-фикрлар билан яшашни англатган;

- тўғри хотирлаш. Бу – инсоннинг ўз танаси, ҳиссиёти, руҳий ҳолатининг бир меъерда фаолият кўрсатишига жиддий эътибор билан қарашини англатган. Бу нарса инсонга Будда ахлоқий тамойилларига амал қилиб яшашида катта рол ўйнайди, деб ҳисобланади.

- фикр-эътиборни тўғри нарсаларга қаратиш. Бу – инсонга Будда таълимоти қоидаларидан чалғимаслик имконини беради.

Бу дунё азоб-уқубатлардан халос бўлишнинг нажот йўли мазмуни ана шундай. Бироқ, буддавийлик таълимотига кўра, Нажотнинг бу олижаноб саккизлик йўли монахлик (тақводорлик) ҳаёт тарзини ихтиёр этганларгагина насиб этади.

Буддавийликда олам уч босқичли деб таърифланади. Унинг биринчиси, энг юқориси нирванадир. Унда мутлақ осойишталик ҳукм суради. Бинобарин, нирвана - бу мутлақ осойишталик ҳукм сурадиган олам. У ерда инсон барча турмуш ташвишларидан халос бўлади, унинг ҳаётининг истаклари ҳам, туйғулари ҳам, эҳтирослари ҳам бўлмайди. Нирвана – бу қайта туғилишлар силсиласининг олис қисми, инсоннинг бошқа қиёфаларга киришининг тўхташи (яъни жоннинг кўчиб юриши), мутлақ осойишталикдир. Бошқа жаҳон динларидан фарқли ўлароқ, буддавийлик талқинига жон абадий эмас.

Иккинчи олам – бу жаннатдир.

Буддавийлик – бу оламда бодхисатвалар яшайди, деб таълим беради. Бодхисатвалар – олий камолотга эришган ва шу туфайли нирванага кўтарилиш ҳуқуқига эга бўлган инсонлардир. Уларда бодхисатва бўла олмаган инсонларга ачиниш ҳиссиёти кучли бўлади. Бинобарин, улар бундай инсонларга нажот йўлини топишга ёрдам беришни истайдилар. Шу мақсад йўлида улар нирванага кўтарилиш ҳуқуқидан воз кечадилар.

Буддавийликдаги учинчи олам – бу, ер юзи оламидир. Бу одамлар ва бошқа барча йирик мавжудотлар, ўсимликлар оламидир. Бу оламда руҳ қафасда яшайди. У қафасдан қутилишга ва юқори оламга кўтарилишга ҳаракат қилади. Бироқ, у ўз-ўзидан кўтарила олмайди. У одамларнинг савобли ишлари туфайлигина кўтарилиши мумкин. Одамлар буддавийликка эътиқод қилсалар бир қанча қайта туғилишлардан сўнг иккинчи оламга кўтарилиши мумкин. Ёмон одамларнинг руҳлари дунёда азобланиб, қафас ичида қолаверади.

Будда таълимотида ғайриҳаётий ва диний спекулятив мушоҳадалар йўқ. У жон, руҳ, илоҳият каби атамаларни изоҳлашдан қочган, унинг учун кишиларни ахлоқий камолотга бошлаш муҳим эди. Бунинг йўлида у рақибаларини ҳам севишга тайёр эди. «Менга жабр қилганларни ҳам беғараз меҳрим ҳимоясига олурман,-дейди у.- Рақибим менга қанчалик қаҳр қилса, мен унга шу қадар меҳр кўрсатурман». Исо алайҳиссаломнинг «хатто ўз душманингни ҳам сев» деган даъвати билан Будда таълимоти ўртасида қанчалик ўхшашлик бор!

Буддавийлик аслида ахлоқий-фалсафий таълимот. Кейинчалик уни Будданинг издошлари диний эътиқодга айлантирдилар. Бугунги кунда унинг кўпдан-кўп оқимлари мавжуд. Буддавийлик исломгача Ватанимизда, айниқса Сурхон ва Фарғона воҳасида анча кенг ёйилган эди.

Буддавийлик тарғиботи оммабоп тилда юритилгани, халқнинг ўй-хаёллари, ҳаётий ташвиш ва тилақларини ифодалагани, барчани меҳр-муҳаббат ва шафқатга даъват этгани, адолатни кўзлагани, тинч-тотув яшашга чақиргани учун тез ёйилган. Шунингдек, аёлларни, айниқса, ўша даврнинг машҳур зотларини сафига тортгани унинг мавқеини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутган.

Дин... одам боласини хушёр бўлишга,
ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши из
қолдиришга ундаб туради.

И.Каримов

Буддавийлик маросим ва байрамлари

Динлар тарихига назар ташласак, ҳар бир диннинг ўзига хос ва ўзига мос маросим ва байрамлари мавжуд. Жумладан, буддавийлик дини ҳам бундан мустасно эмас. Буддавийлик маросимлари ичида эрталабки ва кечки ибодат ҳар куни адо этилади. Ибодат давомида дуолар ўқилади ва сажда

килинади. Ибодат Будданинг тасвирига қараб бажарилади. Бунда Будда тасвири атрофига гул қўйилади, шамлар ёниб, муаттар ҳид таралиб туради.

Очилиб турган гулнинг бир оз вақтдан сўнг сўлиши ибодатчига ҳаётнинг ўткинчи эканлигини, муаттар ҳид эса Буддага содиқларнинг гўзал хулқ-атворли бўлиши лозимлигини эслатиб туради. Шамларнинг олови эса нурланганлик рамзи ҳисобланади.

Дунёвий ҳаёт кечирувчи буддавийларнинг кундалик асосий маросими – бу монахларга озиқ-овқат келтиришдир.

Буддавийликнинг яна бир маросими «тийилиш куни» деб аталади. Бу маросим буддавийларга ўз динларига эътиқодларини янада мустаҳкамлашга, монахлар учун интизомни ва ўзаро бир-бирини тушунишни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундай кун ойда 2 марта ўтказилади. Уларда нажотнинг саккизлик йўли талаблари, Дхарма ақидалари тақдорланади. Бу маросим ижроси давомида монахлар дунёвий ҳаёт кечирувчилар устига сув сепадилар. Бу монахларнинг дунёвий ҳаёт кечирувчилар билан ўзларидаги яхши хислатларни бўлишиш ниятларининг рамзи ҳисобланади.

Буддавийликда, шунингдек, дунёга келишни, балоғат ёшини нишонлаш, никоҳ, янги уйга кўчиб ўтиш, аждодларни хотирлаш ва дафн этиш каби маросимлар мавжуд.

Бошқа динларда бўлганидек, буддавийликнинг ҳам ўзига хос қатор байрамлари бор. Булар – Янги йил ҳамда Будданинг туғилган, нурланган ва вафот этган кунлари байрамларидан иборат. Буддавийликда янги йилнинг бошланиши – ҳар бир буддавий учун ўз ахлоқий хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, покланиш ва хайрли ишларни бажо келтириш ҳақида қайғуриш вақти ҳамдир. Бу байрам апрель ойининг ўрталарида нишонланади ва 2-3 кун давом этади.

Янги йил нишонланаётган кунларда буддавийлар Буддани, авлиёларни, аждодларни эслайдилар. Эслаш белгиси сифатида томчилатиб сув сепадилар. Сув сепиш - айна пайтда ёмғир чақириш воситаси ҳамда хотиржам ҳаёт белгисидир.

Будданинг туғилган, нурланган ва вафот этган куни байрамлари турли мамлакатларда турли муддатларда нишонланади. Масалан, Япония буддавийлари Будданинг туғилган кунини 8 апрелда, нурланганини 8 декабрда, вафот этган кунини 15 февралда нишонлайдилар.

Будданинг туғилган куни – бу, гуллар байрами ва Будда тасвирини ювиб тозалаш маросимидир. Будданинг нурланган ва вафот этган кунларида Буддага алоҳида илтифот билан сиғиниш билан боғлиқ маросимлар адо этилади.

Ўйла, изла, топ!

Буддавийлик муқаддас китоби ва таълимотларини билиш бўйича ижодий танлов

1. Буддавийлик муқаддас китобини номи нима?
2. Сиддхартха уч сават таълимот қолдирган, булар қайсилар?
3. Буддавийликнинг ёзма манбаси ҳозирги даврда қаерда сақланиб қолган?
4. Буддавийликка оид қайси тиллардаги адабиётлар кенг тарқалган?
5. Будда ҳаётига тегишли ривоятларнинг барчаси нимада жамланган?
6. Буддавийлик таълимоти қанча?
7. Буддавийликда олам уч босқичли деб таърифланади. Улар қайсилар?
8. Азоб-уқубатлардан қутулиш – нажот йўли борлиги ҳақидаги таълимотни изоҳлаб беринг.

Ҳар қандай ёмонликдан сақлангин,
эзгулик улашгин, шум ўй-хаёллардан
чекингин.

Будда

Буддавийлик динини биласизми?

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонлар қизиқишини буддавийлик дини ва шу дин ҳақида ёзилган асарлар ҳамда маънавият, маърифат билан боғлиқ бўлган асарларни юқори ўқилиши орқали оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан талабалар, ишчилар, мактаб ўқувчилари, билим юрти талабалари, кутубхоначилар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра шу саволлардан айримлари танлаб олинади ва ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар ва вақтли матбуотларда босилган мақолалар тайёр туриши керак.

Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини жаҳон динлари, жумладан, буддавийлик динига оид рисолалар, дин тўғрисидаги қонун ва фармонлар, жаҳон динларига бағишлаб ўтказилган тадбирлар акс эттирилган материаллар, шу дин ҳақидаги ривоятлар, Будда ҳақида ёзилган асарлар, буддавийлик таълимотлари ҳақидаги нашрларга қаратиш лозим.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб кутубхоначилар, билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини аниқлаб оладилар.

1. Буддавийлик дини қачон ва қаерда пайдо бўлган?

(Буддавийлик милоддан аввалги 1 минг йиллик ўрталарида, Ҳиндистонда пайдо бўлган).

2. Буддавийликнинг асосчиси ким?

(Буддавийликнинг асосчиси ҳақида хабар берувчи фольклор ва бадий адабиётлар уни Сиддхартха, Гаутама, Шакямуни, Будда, Тадхагата, Джипа, Бхагаван каби исмлар билан зикр этадилар. Бу исмларнинг маънолари қуйидагича: Сиддхартха – шахсий исми, Гаутама – уруғ исми, Шакямуни - шаклар ёки шакя қабиласидан чиққан донишманд, Будда – нурланган, Тадхагата – шундай қилиб шундай кетган, Джипа – ғолиб, Бхагаван – тантана қилувчи. Бу исмлар ичида энг машҳури Будда исми бўлиб, шу исмдан унинг динига буддавийлик номи берилган).

3. Буддавийлик қайси даврда кенг ёйилди?

(Эрамиздан аввалги 273-232 йилларда ҳукмронлик қилган Император Ашока даври буддавийликнинг кенг ҳудудга ёйилишига катта имконият яратди. Ашока ўзининг илк ҳукмронлик пайтиданок буддавийликка эътиқод қила бошлаган).

4. Буддавийлик Кушон империясига қачон кириб келган?

(Буддавийлик эрамиздан аввалги 1 минг йиллик охирларида Шри Ланкага ва Ўрта Осиё ҳамда Олд Осиёни ўз ичига олган Кушон империясига кириб келди. Бизнинг диёримизда олиб борилган археологик қазилма ишлари асосида Ўратепа, Далварзинтепа, Кува, Зартепа, Қоровултепа Айритом мавзеларидан топилган Шакямуни санамлари, ҳайвон ҳайкалчалари, рамзий ғилдираклар ва ступа қолдиқларининг гувоҳлик беришича, Кушон империясида буддавийликка катта аҳамият берилган).

5. Буддавийлик қайси асрларда қайси давлатларга кириб борган?

(Буддавийлик эрамизнинг I асрида Хитойга, IV асрда Кореяга, VI асрда Японияга, VII асрда Тибетга, XII асрдан XVI асргача Монголияга, XVII асрдан XVIII асрларгача Бурятия ва Тувага, XIX-XX асрларда Америка ва Европа қитъаларига кириб борган).

6. Буддавийликнинг муқаддас китоби қайси?

(Буддавийлик динининг муқаддас китоби - «Трипитака» («Уч сават донолик») деб аталади).

7. Буддавийлик таълимоти нечта ва уларни изоҳлаб беринг.

(Буддавийлик таълимоти (бу таълимот – «Дхарма» деб аталади)нинг асосини Будда яратган қуйидаги «тўрт олий ҳақиқат» ташкил этади.

1. Азоб-уқубатнинг мавжудлиги ҳақидаги таълимот.

2. Азоб-уқубатларнинг сабаблари мавжудлиги ҳақидаги таълимот.

3. Азоб-уқубатларнинг бартараф бўлиши ҳақидаги таълимот.

4. Азоб-уқубатлардан қутулиш - нажот йўли борлиги ҳақидаги таълимот).

8. Буддавийлик ғоясида қайта туғилишга ишоч катта роль ўйнайди. Худди шу ғоя қайси афсонада бор?

(«Ку Тай» афсонасида бу ғоя бор. Қайта туғилиш аслида «анимизм»нинг ўзига хос шаклидир)

9. Қайси асар хитой тилидан қадимги турк тилига таржима қилинган. Нима мақсадни кўзлаб?

(«Олтин ёруқ» достони X асрда Бешбалиқ шаҳрида (Шарқий Туркистон) хитой тилидан қадимги туркий тилга Синг Сели Тудунг номли шахс томонидан таржима қилинган. Бу асарни таржима қилишдан мақсад туркийларга буддавийликни сингдириш бўлган).

10. Буддавийликда одамзоднинг вужуди, хулқи ким бўлишидан қатъи назар, эзгуликдан иборат бўлмоғи, вужуд кимгадир ёки нимагадир хизмат қилмоғи лозим деган ғоя бор, шу ғояни қайси афсоналарда кузатиш мумкин?

(«Олтин ёруқ» достонидаги икки афсона «Шаҳзода ва Барс» ва «Ку Тай» ҳақидаги афсоналарда кузатиш мумкин)

11. Будда неча йил давомида ўз таълимотини Ҳиндистоннинг турли жойларига етказган?

(Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб ўз таълимотини тарқатиб ўзига янги издошлар орттиради. Будда 40 йил давомида ўз таълимотини Ҳиндистоннинг турли жойларига етказди)

12. Буддавийлик оқимлари қайсилар?

(Буддавийликнинг икки оқими мавжуд: хинаяна (кичкина аравача ёки нажот топишнинг тор йўли) ва махаяна (катта аравача ёки нажот топишнинг кенг йўли)).

13. Қайси даврда буддавийлик дини давлат дини деб эълон қилинган?

(Ашока подшолик даврида бу дин давлат дини деб эълон қилинган).

14. Ҳозирги кунда Будданинг бешта биографияси маълум, улар қайсилар?

(1. «Махавосту»-эрамизнинг II асрида ёзилган. 2. «Лалитавистара»-эрамизнинг II-III асрларида юзага келган. 3. «Буддахарчарита» Будда файласуфларидан бири Ашвагхошей томонидан эрамизнинг I-II асрларида яратилган. 4. «Ниданакатха»-эрамизнинг 1-асрида ёзилган. 5. «Абнихишкрамансутра»)

15. Буддавийлик таълимоти асосан уч амалий қисмдан иборат дейилади, улар қайсилар?

(Буддавийлик таълимоти асосан уч амалий қисмдан иборат бўлиб, улар: 1. Медитация; 2. Ахлоқ; 3. Донолик.

1. Медитация. а) Тўғри тушуниш; б) Тўғри ният қилиш; в) Тўғри ўзини тутиш; г) Тўғри англаш; д) Тўғри ҳаракат қилиш; е) Тўғри муомалада бўлиш; ё) Тўғри фикр юритиш; ж) Тўғри гапириш.

2. Ахлоқ нормалари – Будда «Панча Шила» насихати: а) Қотилликдан сақланиш; б) Ўғирликдан сақланиш; в) Гумроҳликдан сақланиш; г) Ёлғон қалбаки нарсалардан сақланиш; д) Маст қилувчи нарсалардан сақланиш; е) Тушдан кейин овқатланишдан сақланиш; ё) Ўйин-кулгидан сақланиш; ж) Зебу-зийнат, атир-упалардан сақланиш.

3. Донишмандлик – бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушуниш).

16. Нирвана ҳақидаги таълимот тўғрисида нима дея оласиз?

(Яхши ёки ёмон ниятлар, интилишлардан бутунлай узилиш Нирвана ҳолатига тўғри келади. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтайдди. Нирвана ҳолати, буддавийлар фикрича, «Ҳаёт ғилдирагидан» ташқарига чиқишдир. «Мен» деган фикрдан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғуларини тўла тугатилишидир).

17. Будда яшаган эрамыздан аввалги V-IV асрлар инсониятнинг маънавий, ижтимоий-фалсафий уйғониш даври эди, шу даврларда етишиб чиққан мутафаккирлар кимлар?

(Шу даврларда Чину Мочинда Лао-Сзи, Конфуций, Қадимги Грецияда Гераклит, Пифагор ва Диоген каби мутафаккирлар етишиб чиққан).

18. Будда бани одамга қарата қандай хитоб қилган?

(Будда бани одамга қарата: «Халоскор ҳам ўзингга ўзинг, маёқ ҳам ўзингга ўзинг, нажотни ёлғиз ўзингдан изла», дея хитоб қилган).

19. Будда таълимоти қандай ахлоқий-маънавий жасоратларни талаб этади?

(Инсон бор ёмонликни камайтириш учун фидойилик кўрсатиши; беозор, мурувватли бўлиш, нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам халоват бахш этиши, ҳеч зот ўз ғам-ташвишларига ўралашиб қолмаслиги-ўз иши, турмуши ҳақида ўйлаганда бошқаларнинг ҳам ғам-ташвишини эсда тутиши; мудом кўнгли ва қўли очиқ ҳолда тиланчиларга хайр-эҳсон бериши; ногирон ва заифлар ҳақида қайғуриши зарур).

20. Будда таълимотида ҳаётнинг ўткинчи экани асосий ўринда турса-да, унинг замирида покликка, эзгуликка, ахлоқий етукликка даъват ётади дейилган, шуни изоҳлаб беринг?

(Ҳаётга, вужудга меҳр қўймаслик ҳаётдан воз кечиш дегани эмас, балки бу – ахлоқий комиллик сари фидойилик йўлидир. Фидойилик эса – яратишдир. Яратиш – мавжудликнинг боши ҳам, охири ҳамдир. Ҳар кимнинг яратганига қараб унинг келгуси ҳаёти ва оламнинг келажаги шаклланади. Ким ёмонлик яратса, ўшанга лойиқ азоб тортади, ким эзгулик қилса, шунга муносиб бахт топади. Яхшиликнинг меваси- эзгулик; ёмонликнинг ҳосили- ёвузликдир).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа-тўлиқлиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига диншунослик ўқитувчилари,

тарихчилар, файласуфлар, журналистлар, шунингдек хотин-қизлар кўмитасининг раҳбарлари киритилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр - бардоши маънавий уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбасидир. Минг йиллар давомида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди.

И.Каримов

Буддавийлик жаҳон дини

(мунозара учун саволлар)

1. Уч жаҳон дини ичида биринчи пайдо бўлган дин – Буддавийлик дини – буни сиз қандай изоҳлайсиз?
2. Буддавийлик динида ўғирлик қилмаслик, одам ўлдирмаслик, ноқонуний никоҳда бўлмаслик, маст қилувчи ичимлик ичмаслик, ёлғон гапирмаслик ҳақида сўз боради, бундай таълимотлар Ислом динида ҳам мавжуд, бир-бирига ўхшаш томонларининг боғлиқлиги тўғрисида сизни фикрингиз?
3. Марказий Осиёда бир неча юз мингдан иборат корейс миллатига мансуб кишилар яшайди, уларнинг оилавий-маиший анъаналари, миллий удумларининг айрим таркибий қисмлари қандай кўринишда шаклланган?
4. Кушон подшолиги даврида буддавийлик Марказий Осиёга, ундан эса Буюк ипак йўли орқали Хитой ва Узоқ Шарққа қаердан тарқалган?
5. Буддавийликда, дунёга келишни, балоғат ёшини нишонлаш, никоҳ, янги уйга кўчиб ўтиш, аждодларни хотирлаш ва дафн этиш каби маросимлар бор, Ислом динида ҳам бундай маросимлар мавжуд, буларнинг бир-бирига ўхшашлигини сиз қандай тушунасиз?
6. Будданинг ўзи жониворлар гўштини ейишни тақиқлаган. Шундан буён Ҳиндистонда мол гўшти емаслик одат бўлиб қолган, Ислом динида тўнғиз гўштини емаслик лозим, буларни фарқлари нималардан иборат?
7. Буддавийлик барчани меҳр-муҳаббат ва шафқатга даъват этгани, адолатни кўзлагани, тинч-тотув яшашга чақиргани учун тез ёйилган. Ислом динида ҳам бу каби ниятлар мавжуд, уларнинг бир-бирига яқинлик, эзгулик томонларини таҳлил қилиб беринг.
8. Буддавийлик динига хос ўтмишдаги ва ҳозирги ижобий кадрийатларга нималар киради?

Буддавийлик дини бўйича китоб кўргазмаси тайёрлашнинг тахминий режаси

Кўргазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин. Кўргазмани «Буддавийлик дунё динлари ичида энг қадимийсидир» деб номладик.

1. Буддавийлик - эзгулик дини

Менга жабр қилганларни ҳам беғараз меҳрим ҳимоясига олурман,- дейди у.- Рақибим менга қанчалик қаҳр қилса, мен унга шу қадар меҳр кўрсатурман.

Будда

Бу бўлимда:

Буддавийлик дини тарихи билан боғлиқ бўлган адабиётлар, илмий мақолалар ва шу дин ҳақидаги адабиётларни тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ.

2. Буддавийлик одоби ва маданияти

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар-зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўхна эканига иқрор бўламиз*.

И.Каримов

Бу бўлимда:

Буддавийликда одоб-ахлоқ, меҳр-муҳаббат, садоқат, эҳтирос ва истак, поклик, эзгулик, фидойилик, ногирон ва заифлар ҳақида қайғуриш, ҳалоллик ҳақида маълумотларга эга бўлган адабиётларни намойиш этиш мумкин.

3. Буддавийликнинг муқаддас китоби

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31 моддаси

Бу бўлимда:

* Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмолъ керак.-Т.10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.-Б.309.

Буддавийлик динининг муқаддас китоби «Трипитака» нинг нашр қилинган қисмлари, шу муқаддас китоб ҳақидаги адабиётларни намойиш этиш мумкин.

Қуйида кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркумини ҳавола этамиз

Мавзулар тахминий бўлиб, вилоят кутубхонасидан то қишлоқ кутубхонасигача ҳар бир кутубхона тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириш мумкин.

Давра суҳбати

1. Сурхон ва Фарғона воҳаси буддавийлик тарихига бир назар.
2. Термиздаги Қоратепа номли ғор ибодатхонаси тарихини биласизми?
3. Буддавийликни қабул қилган Марказий Осиё халқлари диний ибодатлар учун ҳар хил махсус иншоотлар қурдилар, булар ҳақидаги мавжуд манбалар?

«Буддавийлик эзгулик манбаи» мавзусида китоб кўрагазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. «Буддавийлик манбаларида ахлоқий-маънавий белгилар»
2. «Буддавийликда ахлоқий меъёрлар»
3. «Буддавийлик ичкиликка қарши»
4. «Олижаноб саккизлик йўли»га амал қилган одам охир-оқибатда юксак камолотга эришади» мавзусида.

«Буддавийликда ҳалоллик энг олий матлаб» мавзусида китоб кўрагазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечалари

1. Буддавийликда «Тўрт асл ҳақиқат»
2. «Қадимги буддавий авлиёлар»
3. «Буддавийлик динига эътиқод қилувчи мамлакатлар».

«Маънавият ва буддавийлик» мавзусида китоб кўрагазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. «Буддавийликнинг муқаддас китоби»
2. «Будданинг ҳаётини биласизми?»
3. «Буддавийлик таълимотларини биласизми?»
4. Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлган.

«Жаҳон буддавийлари биродарлиги» мавзусида китоб кўрагазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира соати

1. Сиддхартха Гаутама (563-483 эрамиздан аввалги) (Баъзи манбаларда 623-544)

2. Ашока (269-232 подшолик даври) каби шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятига, буддавийлик динидаги тутган ўрнини ақс эттирувчи асарлар кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. Буддавийлик байрамларини биласизми?
2. Буддавийлик маросимларини биласизми?
3. Буддавийлик одоб ва ахлоқ-маънавият булоғи.

«Маънавият ва буддавийлик» мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Қатнашувчилар: жойлардаги «Маънавият ва маърифат», «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, диний қўмиталар вакиллари, хотин-қизлар қўмитаси ходимларини, диншунослар, тарихчилар, сиёсатшунослар, файласуфлар, журналистлар ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 й. 8 дек.да қабул қилинган.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-39 б.

Ozbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi: On ikkinchi chaqiriq Ozbekiston Resp.Oliy Kenqashining on birinchi sessiyasida 1992 yil 8 dekabrda qabul qilingan (Ozbekiston Resp. 1993 yil 28 dekabdagi kiritilgan ozgartirishlar bilan).-Т.: Ozbekiston, 2001.- 38 b.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) //Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат.2000.-Б.223-234.; Халқ сўзи.-1998.-15 май.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида: [Ўзбекистон Респ. қонуни] //Маърифат.-1998.-16 май.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (Янги таҳрири): Ўзбекистон Респ.нинг қонуни, 1998 й. 1 май //Ўзбекистон овози.-1998.-23 май.

Дин ёки эътиқодлар замиридаги муросасизлик ва камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги декларацияни маъқуллаш ҳақида: Ўзбекистон Респ. Олий Мажлисининг Қарори (1997 й. 30 авг) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.-1997.-№9.-Б.184.

Саидов А., Юнусова О. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги Қонуни.-Т.: Адолат, 1993.-80 б.

Болтаев М. Дин ҳақида янги дастур: [1992 йилда Т.Оқмуродовнинг Олий ўқув юртлири талабаларига мўлжаллаб нашр этилган «Дин хурфикрлаш тарихи ва назарияси» номли китоби ҳақида] //Халқ таълимоти.-1993.-№8-9.-Б.53-59.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.-Т.10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.-432 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-326 б.

Каримов И. «Жаҳон динлари: тинчлик маданият йўлида» халқаро анжуман иштирокчиларига //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-15 сент.

Жўраев У., Саиджонов Й.С. Дунё динлари тарихи.-Т.: Шарқ, 1998.-172 б., Библиогр.: Б.171-172.

Jorayev U.T., Saidjonov Y.S. Dunyo dinlari tarihi: Umumtalim maktablarining 9-sinfi uchun- (Qayta ishlangan, toldirilgan) 3–nashr.-Т.: Toshkent islom universiteti, 2002.-175 b.

Камилова С. Диний эътиқод, ақидапарастлик, сиёсат.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-21 б.

Оқмуродов Т. Дин хурфикрлаш тарихи ва назарияси: Ўзбекистон Респ. Халқ таълими вазирлиги, олий ва ўрта махсус юртларининг талабалари учун ўқув кўлл.-Т: Ўқитувчи, 1992.-200 б.

Саиджонов Й.С. Дунё динлари тўғрисида баъзи маълумотлар.-Т., 1994.-40 б.

Абдураззоқова М. Дин ва сиёсат //Фан ва турмуш.-2000.-№2.-Б.10-11.

Абдуқодир Заҳидий. Қадимги буддавий авлиёлар: Теран илдизларимиз [Туронда] //Фан ва турмуш.-1992.-№11-12.-Б.10-12; 1993.-№11.-Б.20-21; 112 б.

Алимасов В. Буддавийлик: Моҳият жилолари //Тафаккур.-1997.-№3.-Б.96-101.

Буддавийлик //Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси.-Т., 1999.-Б.11.

Буддавийлик //Диншунослик: Маърузалар матни /Х.Йўлдошхўжаев, Д.Раҳимжонов, М.Комилов.-Т., 2000.-Б.45-53.

Буддизм //Диншунослик асослари: Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув кўлл. /А.А.Абдусамедов таҳририда.Т.: Ўзбекистон, 1995.-Б.49-51.

Бутпарастлик //Ислом: справочник /Фалс.фан.док. М.А. Усмонов таҳрири остида.-Т.: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1989.-Б.78.

Дин ва динлар //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.53-54.

Дин ва динлар //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.53-54.

Динлараро ҳамкорликка бағишланади: [1998 й. 16 сент. Давлат ва жамият қурилиши академияси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Германиянинг Конрод Аденауэр номидаги сиёсий фонди ҳамкорлигида ўтказилган «Дин ва сиёсат» мавзусидаги давра суҳбати ҳақида] //Жамият ва бошқарув.-1998.-№3.-Б.22-23.

Насимхон Раҳмон. Мен – буддаман, мен қутқарувчиман //Мулоқот.-1991.-№12.-Б.63-67.

Низомиддинов Н. Тўрт асл ҳақиқати: Буд. Талқин ва тадқиқотлар //Тафаккур.-2002.-№2.-Б.92-93.

Сайдуллаев Ғ. Дин – эзгулик манбаи: Тошкентда бўлиб ўтган ЮНЕСКО раҳнамолигида «Жаҳон динлари: тинчлик маданияти йўлида» мавзусида динлараро мулоқот халқаро анжумани ҳақида //Қишлоқ ҳаёти.-2000.-15 сент.